Мир Мухаммад ибн Саййид Бурхониддин Ховандшох ибн Камо луддин Махмуд ал-Балхий — Мирхонд Ўрта аср тарих фанининг кўринган намояндаларидан биридир.
Ота-боболари бухоролик бўлиб фихк илмида замонасининг етук олимлари сифатида машхур Улардан Махмуд ибн Ахмад ал-Махбубий (вафоти — тах. 1300) фикх илмида пешкадам олим бўлганлиги учун «тож аш-шариъа» (шариат тожи) номи билан ном чикарган ва Шаркнинг машхур фикх олими Саййид Бурхониддин Маргинонийнинг «Хидоя» асарига «Викоя ур-ривоят фи масоил ул-Хидоя» («Хидоя масалаларини химоя килувчи ривоятлар») номли шарх ёзган. Убайдуллох ибн Масъуд ал-Махбубий (вафоти — 1346) «тож аш-шариъа соний» (иккинчи шариат тожи) номи билан танилган ва «Шарх ул-викоя», «Ан-нихоя мухтасар ул-викоя» номли машхур китоблар ёзиб колдирган.
Мирхонднинг отаси Саййид Бурхониддин Ховандшох хам ўз даврининг билимдон кишиларидан бўлиб, Темурийлар хукмронлиги даврида Балхга келиб колган ва ўша ерда вафот этган.

Мирхонд 1433 ййли Балхда тугилган бўлса-да, умрининг деярли куп кисмини Хиротда ўтказди. Унинг хаёти ва илмий фаолиятига оид маълумотлар жуда кам бўлишига карамай, набираси Хондамир «Хулосат ул-ахбор» китобида бобоси хакида куйидагиларни ёзади: «Падарпанох жаноб амир Ховард Мухаммад йигитлик чогларида турли илмларни тахсил этиш ва нафис фазилатларни камолига етказиш йўлида тиришкоклик ва зўр мехнат килди... киска вакт ичида билимдонликда замон фозилларининг пешкадами бўлиб олди. У (кўпрок) тарих илмини касб килди ва жахон ахволини хамда осори атикаларини тахкик килишга киришди. Олижаноб хотирани тез фурсат ичида бу фанни эгаллашдан фориг килди, аммо феълу атвори маишат ахди билан кўшилишга йўл бермади, завку шавкка берилмади... Дарс бериш ва амру маърифатга иштиёк унинг равшан хотирида асло кўринмади. Аммо (бу хол)... орзу ва омонликнинг киблагохи, яъни олижаноб Султон (Хусайн) хазратлари якин дўсти (Амир Алишер Навоий)нинг хузурларига боргунича ва унинг хар турли навозиш, мархамат, илтифот хамда мурувватларини топмагунларича давом этди».

Хондамирнинг яна бир маълумотига караганда, Навоий Мирхондни ўзининг «Ихлосия» хонакосидан бир хужра ажратиб берган ва ундан бир тарихий асар ёзиб беришни илтимос килган. Мирхонд бу асарни киска вакт ичида ёзиб тамомлаган, сўнг умрининг охирида, тахминан бир йил Гозиргохда истикомат килган. 1497 йилнинг бахорида огир касалликка чалиниб, 1498 йилнинг 22 июн куни оламдан ўтган.
Навоийнинг кўрсатмаси ва хомийлиги билан Мирхонд яратган асарнинг номи «Равзат

ус-сафо фи сийрат ул-анбиё ва-л-мулук ва-л-хула-фм.» («Пайгамбарлар, подшохлар ва халифаларнинг таржимаи холи хакида жаннат боги») бўлиб, ундан дунёнинг «яратилиши»дан то 1523 йилга кадар Марказий Осиё, Якин ва Ўрта Шарк мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий вокеалар кенг баён этилган.

Равзат ус-сафо» мукаддима, хотима ва жугрофик кўшимчадан ташкил топган. Асар етти жилддан иборат:

1) Дунёнинг «яратилиши»дан, то Сосоний Яздигард III (632—651) давригача ўтган тарихий вокеалар;
2) Мухаммад пайгамбар ва биринчи тўрт халифа даврида бўлиб ўтган вокеалар;
3) Ўн икки имом тарихи, Умавия ва Аббосия халифалари;
4) Аббосийлар билан замондош бўлган сулолалар (асосан, Эрон, Марказий Осиё ва Хиндистонда);
5) Мўгул¬лар, Чингизхон, унинг авлоди, Эрон ва баъзи кўшни мамлакатларда мўгуллар хамда улардан кейин Темур давригача мавжуд бўлган сулолалар;
6) Амир Темур ва унинг замонидан, то Султон Абу Саъид ўлимигача (1469) бўлиб ўтган вокеалар;
7) Султон Хусайн Бойкаро ва унинг фарзандларининг тарихи (1523 йилгача).

Хондамирнинг таъкидлашича, ушбу асар бизга маълум бўлган холда Мирхонд томонидан тугатилмаган. Унинг еттинчи жилдининг матни, шубхасиз, Хондамирнинг каламига мансуб. Бу фикрни тасдикдайдиган куйидаги маълумотларга эътибор бериш кифоя: Хондамир «Маъосир ул-мулук» ва «Хулосат ул-ахбор»нинг хотимасида Мирхондга тўхталиб, Темур тарихига оид когозга туширилган хар хил материалларга эга бўлмаганлиги учун, ўз асарини тугата олмаган ва агар фурсат топилса, (Хондамир) бобоси асарини тугатишга йўл топган; асарда баён этилган тарих то 1523 йилгача етказилган, вахоланки, Мирхонд 1498 йили вафот этган; еттинчи жидднинг матни Хондамирнинг «Хабиб ус-сияр»ини III жилд 3 кисмининг иккинчи ярми билан деярли бир хил.

«Равзат ус-сафо»нинг «жўгрофик кўшимчаси» эса Мирхонд ва Хондамир томонидан амалга оширилган. Унда турли «ажойиботлар», баъзи денгизлар, дарёлар, мухим шахарларнинг кискача таърифи баён этилган. Асар устида олиб борилган охирги тахрир хам Хондамир томонидан бажарилган.

Асарнинг I—VI жиддлари бир-бирига боглик бўлиб, мустакил ахамиятга эга эмас. Унинг сўнгги кисми, хусусан, VII жилди оригинал бўлиб, XV асрнинг иккинчи ярми тарихини ўрганишда катта ахамит касб этади.
«Равзат ус-сафо»нинг кўлёзма нусхалари кўпгина жахон кутубхоналарида сакланган бўлиб, асар матни Бомбей (1845, 1848, 1864), Техрон (1853-1857, 1954) ва Лакхнав (1874, 1883, 1891)да чоп килинган. Асардан айрим парчалар рус, француз, инглиз хамда немис тил ларида кўп бора нашр этилган. Асарнинг эски узбек тилига ўгирилган нусхалари хам мавжуд.